• *Ватан посбонлари*

# ЖАНГЧИЛАРИМИЗ АМЕРИКАЛИКЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШДИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бир гуруҳ жангчилари Америкада бўлиб, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридаги «Истеъдодларнинг биргаликда ҳаракати — 95» ҳарбий ўқув машғулотларида биринчи марта қатнашиши бу йил тўрт йиллиги нишонланган мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўзига хос нуфуз қозонаётганлигининг яна бир намунаси бўлди. Ушбу ўқув-машқларида 17 мамлакат ҳарбий бўлинмалари қатнашди. Ўзбек жангчилари бу ҳарбий ўқув-машқларида юқори даражада маҳорат кўрсатиб, американикларнинг ҳам эътиборини қозонишди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари делегацияси сафида ҳарбий журналист, майор Ярослав КОРУКА ҳам бор эди. Биз ҳамкасбимиздан Америка таассуротлари ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.***

— Америкага жўнаб кетишдан бир неча кун олдин ҳарбийларимизнинг тайёргарлик машғулотларини кузатдим. Бир қарашдаёқ машғулотларда қатнашаётган аскарларнинг энди ўн саккиз-ўн тўққиз ёшга кирган йигитлар эканлигини англаб олиш қийин эмасди. Лекин йигитларнинг махсус ва жанговар машғулотларни юқори маҳорат билан бажараётганлигини кузатиб, уларнинг ўз ишлари усталари эканлигига амин бўлдим.

Биз 5 август куни катта лейтенант Ҳайдар Абдиев бўлинмаси билан махсус рейсда Луизиана штати томон учдик. Самолётимиз Германиянинг Франкфурт-на-Майне шаҳрида қўниб ўтди. Бу ерда биз «Истеъдодларнинг биргаликда ҳаракати—95» ўқув-машқларида қатнашадиган 17 мамлакатнинг баъзи бир делегациялари билан учрашдик. Бир сутка деганда Луизиана штатининг Форт-Полк шаҳрига етиб келдик. Самолётдан тушишимиз билан журналистлар, телевидение ходимлари ва фотомухбирлар қуршовида қолдик. Журналистлар томонидан бизга нисбатан қизиқишнинг бундай даражада катта бўлиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Чунки узоқ йиллар давомида жуда кўпчилик учун номаълум бўлган ва бирдан халқаро майдонда ўзининг иқтисодий имкониятлари билан ярқ этиб пайдо бўлган ҳамда нуфузли ўрин эгаллаётган мамлакат ҳақида кўпроқ маълумотлар билиш, албатта, ҳар бир журналистнинг орзуси. Бизнинг ҳар бир дақиқамиз ўлчовли бўлганлиги учун матбуот ходимлари билан учрашувимиз қисқа бўлди. Шунга қарамай, улар бизларни саволларга кўмиб ташлашди. Матбуот ходимларини нафақат ҳарбий соҳа, балки юртимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотлар, турмуш тарзимиз... барча-барча нарса қизиқтирарди. Саволларга жавоб берар эканмиз, республикамиздаги иқтисодий ислоҳотлар ўзининг янги босқичига кўтарилганини, юртимизда барқарорлик ҳукмрон эканлигини ва бизни буюк келажак кутаётганлигини алоҳида таъкидладик.



Жойлашишимиз учун бу ерда олдиндан тайёргарлик кўрилган экан. Шунинг учун ҳаммаси рисоладагидек тез кўчди.

Бошқа делегациялар қаторида биз ҳам ҳарбий ўқув-машқларининг очилиш тантаналарини ўзгача ҳаяжон билан кутдик. Унинг очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ҳам иштирок этди.

Форт-Полк узра кўтарилган байроқлар орасида юртимиз байроғи ҳам ҳилпираб туриши кўнгилларимизни сурурга тўлдирди. Очилиш тантаналари парашютчиларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланди. Шундан сўнг «Истеъдодларнинг биргаликда ҳаракати — 95» ўқув машғулотларида қатнашувчи 17 мамлакат ҳарбий бўлинмалари тантанали маршдан ўтишди.

АҚШ мудофаа вазири У. Перри очилиш маросимида сўзга чиқиб, бу ҳарбий ўқув-машқлари давомида биз рақиблар эмас, балки дўстлар каби биргаликда ҳаракат қилишни ўрганамиз, дея таъкидлади. Ҳарбий ўқув-машқларидан мақсад — тинчликни ўрнатишга қаратилган фаолиятда ҳамкорга айланиш ва узоқ вақт тинчликни сақлаш йўлида бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш эканлигини айтди.

Шундан сўнг НАТО ҳарбий қўмитаси раиси Ричард Винсент сўзга чиқиб, барча қатнашчиларни қутлади ва уларнинг биргаликда ҳаракатига муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ҳарбийлари ўқув-машқларида муваффақиятли қатнашишди. Масалан, бир сафар бўлинмамиз дастур бўйича портлаш хавфи бор вазиятга дуч келишди. Жангчиларимиз жуда фаол ва аниқ ҳаракат қилиб, ўз вақтида маҳаллий аҳоли озиқ-овқат омборига ҳужум қилинишининг олдини олишди.

Умуман, вакилларимиз бир қатор тактик ва дала ўқув машғулотларида топшириқларни жуда оғир шароитли вазиятларда, аёвсиз қиздираётган қуёшнинг ўткир тиғи остида, баъзан кучли ёмғир ёғиб турган вазиятларда бажаришига тўғри келди. Фикримизни ойдинлаштириш мақсадида ана шундай ҳаракатлардан бири ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Зобит Ҳайдар Абдиев взводи қўшма ҳарбий ўқув-машқлари дастуридаги навбатдаги топшириқни бажаришга киришди. Топшириқни бажариш учун вақт етарли бўлса-да, биз қуёшнинг ўткир нурларидан тезроқ халос бўлиш учун қумли сўқмоқдан ўрмон томон шошилдик. Баланд-баланд сосна ва барги сийрак дарахтлардан иборат ўрмонга етиб билдикки, биз беҳуда шошилган эканмиз. Чунки дарахтлар қуёшдан ҳимоя қилиш у ёқда турсин, балки барглар ва ўрмонга хос намликни буғлантириб, нафас олишни баттар оғирлаштирарди. Вақт ўтган сайин йигитларнинг елкаларидаги қуроллар янада оғирлашар, сув заҳиралари тугаб борарди. Шундай бўлса-да, взвод аъзолари бўшашмай, сергаклик билан олдинга интилди. Чунки ҳар қандай лоқайдлик ёки бўшанглик назоратчиларнинг эътиборидан четда қолмас, улар ҳар лаҳзада взвод аъзоларидан кимнидир «ўйин»дан чиқариши мумкин эди. Бунинг устига ўрмонда заҳарли илонларнинг кўплиги туфайли у ер-бу ерда учраган соялиқда нафас ростлашлар ҳам узоққа чўзилмас, бўлинма кўпроқ қуёш тиғида қолишни афзал биларди. Белгиланган ҳудудга етишга озгина қолганда ҳаво бирдан айниди. Табиат жангчиларимизни кучли ёмғир синовидан ўтказди. Ҳаммаёғимиз жиққа ҳўл бўлди. Ёмғир топшириқни бажаришни янада қийинлаштирди. Чунки бизнинг бўлинма душман томонидан маҳаллий аҳоли учун хавф соладиган миналаштирилган далани аниқлаб, уни миналардан тозалаш учун интилаётган эди. Ана шундай мураккаб шароитда назоратчилар кичик командирлар зиммасига топшириқни бажариш масъулиятини юклаб, офицерни машғулотдан чиқаришди. Жангчиларимиз ўзларини йўқотиб қўйишмади. Командирликни сержант Б. Саидов ўз зиммасига олди ва топшириқ ўз вақтида бажарилди.

Умуман олганда, жангчиларимиз Америка Қўшма Штатлари жангчилари билан биргаликда ўтказилган ҳарбий машқларда юқори маҳорат намойиш этишди.

— «Истеъдодларнинг биргаликда ҳаракати — 95» ҳарбий ўқув-машқларидаги муваффақиятларимиз Ватанимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига совғамиздир, — дейишди ўзбекистонлик жангчилар ҳарбий ўқув-машқларидан сўнг.

Ҳа, жангчиларимиз ўзига хос кўрик вазифасини ўтаган бу ҳарбий ўқув-машқларида муносиб қатнашишдики, биз уларни бу муваффақият билан табриклаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиздаги доимий барқарорликни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишда, юртимиз осмонининг тинч, осуда бўлиши йўлида уларга зафарлар тилаймиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Расул ЖУМАЕВ**
**ёзиб олди.**

• *«Халқ сўзи» бонг уради*

# ДОРИХОНАЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ, ЛЕКИН...

***Сирдарё вилоятидаги аксарият дорихоналар хусусийлаштирилди. Бу яхши ҳол, албатта. Аммо дори олишдаги имтиёзларнинг тақдири қандай кечмоқда? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги қарорига мувофиқ, хусусий дорихоналарда ҳам кам таъминланган шахслар, ногиронлар, фахрийлар ва бошқа кишиларга имтиёзли равишда ва бепул рецептлар бўйича дори-дармонлар бериш тартиби сақланиб қолганлиги аниқ кўрсатилган. Лекин жойларда бу кўрсатманинг бажарилишида қатор нуқсонлар борлиги аниқланди.***

Ховос туманининг «Ховособод» ширкатлар уюшмасида жойлашган «Бахтиёр» хусусий дорихонаси соҳиблари бепул дори-дармонлар бериш у ёқда турсин, бу борада тегишли тиббиёт муассасалари билан шартнома ҳам тузмаган. Боз устига чакана нархларда сотилиши шарт қилиб белгиланган ва дорихонада мунтазам туриши керак бўлган 20 турдаги малҳамнинг рўйхати ошкора қўйилмаган. Қолаверса, ана шу дори-дармонларнинг 12 тури дорихонада йўқ. Музлатгич йўқлиги боис баъзи совуқ ҳароратда сақланадиган дорилар очиқда турибди. Ташвишли яна бир ҳол шуки, фойдаланиш тақиқланган, Эронда тайёрланган 10 тартибли аспиринлар савдога қўйилган. Устига устак, 317 сўм 30 тийинлик муддати ўтган дорилар ҳам сотилаётгани аниқланди. Шу ўринда айтиш керакки, мазкур жойда бўлгани каби яна кўплаб хусусий дорихоналарда ҳам савдога қўйилган дорилар тўлиқ сифат таҳлилидан ўтказилмаган.

Баъзи жойларда рухсатномасиз хусусий дорихоналар ҳам пайдо бўлибди. Ховос темир йўл станциясига қарашли поликлиника қошида очилган дорихона шоҳобчаси шу яқиндаги хусусий дорихона мудири Т. Рўзибоевга тегишли. Бу ишбилармон тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз кундузги даволаш бўлимида ҳам ўз «филиали»ни ташкил қилган. Туман марказидаги «Ампула» хусусий дорихонаси мудири Д. Эшмирзаева эса доришунослик касбидан йироқ. Асли врач реаниматор бўлган бу аёлнинг дорихонасидаги аҳвол ҳам умуман қарор талабларига жавоб бермайди. Маълум бўлишича, дорихона туман солиқ инспекцияси рўйхатидан ҳам ўтмаган экан. Ховос станциясидаги 9-дорихонадаги аҳвол ҳам хусусий дорихоналардаги манзарадан қолишмайди. Бепул ва имтиёзли бериладиган дори-дармонларнинг атиги 9 тури савдода мавжуд. Фойдаланиш муддати ўтган малҳамлар эса 794 сўмлик. Дори-дармон савдосидаги бундай ўлда-жўлда ишлар Боёвут тумани марказий касалхонасидаги дорихонага ҳам хос. Пулга олингани у ёқда турсин, мурувват ёрдами сифатида келтирилган 12578 сўмлик дорилар ёруғ хоналарда сақланмоқда. Бу аҳволда ҳар бири қайсидир дардга шифо бўладиган малҳамлар таъсир кучини йўқотмаслигига кафолат борми? Ҳолбуки, биргина шу касалхона вилоят «Дори-дармон» давлат ҳиссадорлик жамияти ва бошқа жойлардан 783 минг сўм қарз.

Дори-дармон савдосидаги, айниқса, бепул ва имтиёзли рецептлар асосида малҳамлар тарқатишдаги кўзбўямачилик ва лоқайдлик қусурлари фақат қонунбузарлик эмас, катта гуноҳ ҳамдир. Дори-дармон таъминотидаги имтиёзлар ҳукуматимизнинг халқни ижтимоий ҳимоя қилишдаги катта ғамхўрлиги. Бу ўта долзарб масалага шахсий манфаатини кўндаланг қўйганлар эса бировнинг ҳақини ейишгина эмас, кимнингдир ҳаётига зомин ҳам бўлишлари мумкин. Бу гуноҳ эмасми?

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Н. СУЛАЙМОНОВ,**
**Сирдарё вилоят ҳокимлиги назорат инспекциясининг етакчи мутахассиси.**



*Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...* **Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.**

UZDUNROBITA
cellular




**"ЎЗДУНРОБИТА" УЯЛИ АЛОҚА АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
**РАҲБАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

***Ўзбекистоннинг уяли телефони - жаҳон андозалари даражасида.***

"Ўздунробита" Ўзбекистон-Америка уяли алоқа қўшма корхонаси сервис хизмати кўлами ва сифатини изчил ошириб бормоқда.

Уяли радиотелефон супер-алоқа станциялари Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Бухорода қурилди ва муваффақиятли ишламоқда.

"Ўздунробита" ҚК барпо этилгандан буён ўтган уч йил давомида тармоқ уч бора қайта қурилди.

*1995 йил ноябрда ягона республика очиқ уяли радиотелефон алоқаси тармоғини қуриш тугалланди ва ишга туширилди. Ҳамма станция ва абонентлик тармоқларини ягона ва энг замонавий AMPS андозасига ўтказиш ниҳоясига етди.*

Янги тизимнинг ишга туширилиши "Ўздунробита"нинг ҳамма абонентларига Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши ва Бухоро шаҳарларида исталган вақтда, исталган абонент билан бемалол гаплашиш имконини беради.

***"Роуминг" алоқа тизими ҳам барпо этилдики, нафақат юқорида номлари келтирилган шаҳарлар, балки Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам уяли алоқа тизимига чиқиш мумкин.***

**Масалан,** *Сизнинг телефон рақамингиз 301311 (Тошкент). Агар Сиз шу аппарат билан юқоридаги шаҳар ва республикаларда хизмат сафарида бўлсангиз, чақириш ва гаплашиш учун тиниқ гаплашиш кафолатланган!*

***"Ўздунробита"да ўз абонентлари учун "Роуминг" системаси телефонларидан жаҳоннинг исталган мамлакатида фойдаланиш имкониятини яратиш ишлари олиб борилмоқда.***

**Бу алоқа - биздар учун!**

"Ўздунробита" ҚК маъмурияти.

**Кичик мўъжиза - уяли алоқа аппарати - бу, катта дунёга чиқиш!**

**Телефонлар: (3712) 44-17-09, 44-32-08. Факс: (3712) 40-26-68.**

